SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Дадаев Куваниш Машрапович

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

ORCID: 0009-0008-6606-0723

Электрон почта: dadaevkuvonch@gmail.com

Аннотация. *Мақолада яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда экологияни ифлослантирувчи моддалар ҳамда иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш, шунингдек, энергия ва ресурслардан самарали фойдаланишнинг тутган ўрни ёритилган.*

Калит сўзлар:

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К ЗЕЛЁНОЙ ЭКОНОМИКЕ

ДАДАЕВ КУВАНЫШ МАШРАПОВИЧ

Преподаватель кафедры “Социальные науки” Узбекского государственного университета мировых языков

Электронная почта: dadaevkuvonch@gmail.com

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

Аннотация. В статье раскрывается роль сокращения выбросов загрязняющих веществ и парниковых газов, а также эффективного использования энергии и ресурсов в обеспечении экономической безопасности субъектов предпринимательства в условиях перехода к “зелёной” экономике.

Ключевые слова: стратегия, зелёная экономика, институциональная среда, парниковые газы, углеродный налог, угроза, экологический проект, кредит, экологические технологии, экспорт, импорт.

ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF BUSINESS ENTITIES IN THE CONTEXT OF THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY

KUVANISH MASHRAPOVICH DADAYEV
Lecturer, Department of Social Sciences, Uzbekistan State University of World Languages
E-mail: dadaevkuvonch@gmail.com

Abstract. This article examines the role of reducing pollutant and greenhouse gas emissions, as well as improving the efficient use of energy and resources, in ensuring the economic security of business entities during the transition to a green economy.

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

Keywords: strategy, green economy, institutional environment, greenhouse gases, carbon tax, threat, environmental project, credit, environmental technologies, export, import.

КИРИШ. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфляция ва ишсизлик даражасини, камбағаллик муаммосини, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилиш ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80%га ва экспортдаги улушини 60%га етказиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш ва иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш вазифалари қўйилган. “Муҳими, бу жараёнда тадбиркорларимиз ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, саноат ва сервис объектларини ташкил қилиб, доимий иш ўрни яратишда, аҳолимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда” [1].

АСОСИЙ ҚИСМ (МУҲОКАМА ВА НАТИЖА). Адабиётлар шарҳи. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлар Ж.М. Кейнс, Д. Норт, А.Б. Адамс, Г. Менш, М. Портер, С. Кортум, Р. Солоу, Э. Тоффлер, К. Фримен, Э. Сото, Дж. Форрестер, Г.С. Беккер томонидан тадқиқ этилган.

Ташқи муҳитнинг динамик ўзгаришлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлик таҳдидларини

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

аниқлаш ва мажмуали баҳолашни такомиллаштириш масалалари россиялик олимлардан Н.В. Артемьева, С.В. Банк, И.Г. Борок, М.М. Гайфуллина, Н.Е. Егорова, Е.В. Костомарова, В.Ф. Гапоненко, А.Л. Беспалько, А.С. Власков, Н.Б. Голованова, Л.П. Гончаренко, Л.А. Запорожцева, А.В. Агибалов, Н.А. Казакова, А.А. Краснощек, Д.А. Динец, А.С. Кретова, Л.И. Проняева, В.В. Масленников, А.А. Трохов, В.П. Невмывако, А.П. Судоплатов, С.В. Лекарев, Л.Ю. Филобокова, А.В. Шохнех, А. Яниогло, Е.Ю. Хрусталёв ва бошқа муаллифларнинг ишларида очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатларини Х.П. Абулқосимов, Қ.Х. Абдурахмонов, Т.Т. Жўраев, А.Ф. Расулев, Т.С. Расулев, А.В. Вахобов, А. Ўлмасов, А.А. Маматов, У.В. Ғафуров, Д. Тожибоева, С. Худойқулов, Б.О. Турсунов, Ш.Р. Қобилов ва бошқаларнинг мазкур соҳага доир илмий тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бўйича тадқиқот олиб борган Ж. Шумпетер тадбиркорликни инновацион фаолият билан боғлаган ҳолда уни “янги комбинацияларни амалга ошириш жараёни” деб таърифлайди [2]. Ф. Ҳайек тадбиркорликни “бозордаги имкониятларни излаш ва улардан фойдаланиш” деб ҳисоблайди [3]. Рус олимлари И.А. Шалаев ва А.В. Серегин тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш билан узвий боғлиқликда кўриб чиқадилар [4].

Ўзбекистонлик олимлардан А. Ваҳобов тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда молиявий қўллаб-қувватлаш

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

тизимининг аҳамиятини таъкидлаб, “тадбиркорлик субъектлари учун молиявий манбаларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имконияти тадбиркорлик салоҳиятининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади” деб ҳисоблайди [5]. И. Ниёзметов эса тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг мажмуали ёндашувини таклиф этиб, уни “иқтисодий, инновацион, интеллектуал ва институционал компонентлар” асосида ўрганишни тавсия этади [6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракция, диалектик тизимли таҳлил, монографик таҳлил, иқтисодий-статистик ва қиёсий таҳлил, график ва жадвал усуллари, таҳлил ва синтез, дедукция ва индукция, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадбиркорлик — очиқ, фаол ташкилотчилик тизими бўлиб, унинг ривожланишига қаратилган мақсадли ёндашув Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантириш омилига айланди. Тадбиркорлик субъектларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари миллий иқтисодиётларнинг бозор шароитида ривожланиш ва позициялашув даражасини акс эттиради. Рус олими И. Ансофф [7] фикрига кўра, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолияти ва ривожланиши нафақат унинг барча бўлинмаларининг аниқ ва уйғун фаолиятини таъминлайдиган оператив бошқарув, балки компаниянинг миссияси ва мақсадларига асосланган стратегик режалаштиришга ҳам боғлиқ. Бу икки таркибий қисм тадбиркорлик субъектлари бошқарувининг стратегик бошқарув тизимини ташкил қилади. Стратегияни ишлаб чиқиш ва

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

амалга ошириш стратегик бошқарувнинг асосий мазмунини ташкил этади, унинг умумий контурини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин (1-расм).



1-расм. Стратегик бошқарувнинг умумий контури [8].

Стратегик танлашнинг кенг тарқалган моделларидан бири корхонанинг ривожланиш цикли асосидаги модел ҳисобланади. Корхона ҳаётий циклида қайси нуқтада жойлашганига қараб, Г. Гринли [9] «ўсиш стратегияси», «барқарорлаштириш стратегияси» ва «омон қолиш стратегияси»ни таклиф қилади. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлиги соҳасида стратегик танловни, унинг ҳаётий циклидаги позициялашувини ҳисобга олган ҳолда, «барқарорлаштириш ва кейинчалик ўсишга трансформация» стратегиясига асослантириш зарур. Шу билан бирга, стратегик танловнинг асосини инновацион-интеграцион ҳамкорлик ташкил этиши лозим. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини стратегик бошқаришнинг альтернатив моделларидан бири динамик-интеграцион ва самарали бошқарув стратегиясини (ДИСБС) ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган модел саналади. Ушбу моделни ишлаб чиқиш ва асослаш шуни кўрсатадики, тадбиркорлик субъектлари ривожланишининг стратегик мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, унинг иқтисодий хавфсизлигини

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

таъминлашга оид тегишли чора-тадбирлар билан қўллаб-қувватланган ҳолда, корхона самарадорлигига асосланган базавий моделни татбиқ этиш орқали амалга ошади.

Тадбиркорлик субъектларининг институционал муҳити давлат ва нодавлат органлари, ташкилотлари ҳамда муассасаларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, улар ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик субъектларини тартибга солиш ва бошқаришни таъминлайди, шу тариқа унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи институционал инфратузилма кўпроқ расмий тавсифга эга бўлиши лозим. Бу шарт-шароитда расмий институтларнинг ўзгариш тезлиги норасмий институтларнинг ўзгариш тезлигидан юқори бўлиши талаб этилади, бу эса расмий институтларнинг норасмий институтлар устидан устунлигини таъминлайди. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг интуицияси ва юқори даражадаги ахборот хабардорлигига асосланган ўз-ўзидан шаклланадиган институтлар ҳам истисно қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси сўнгги йилларда экологик барқарорлик ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, “яшил иқтисодиёт” концепциясини миллий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишига айлантирди. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки улар технологик мослашувчан, инновацион ғояларга очиқ ва кўп ҳолларда экологик янгиликларни амалиётга тез татбиқ қила оладилар [10]. Бу моделда инсон фаровонлигини ошириш, иқтисодий тенгсизликни камайтириш, атроф-муҳитга бўлган босимни

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

камайтириш ва табиий капитални сақлаб қолиш асосий устувор йўналиш сифатида қаралади. Яшил иқтисодиёт, хусусан, тадбиркорлик субъектлари учун янги имкониятлар ва йўналишлар очиб бермоқда. Чунки кичик бизнеслар тез мослаша олиши, инновацион ечимларни тез жорий этиши ва локал эҳтиёжларга мос равишда фаолият юрита олиши билан ажралиб туради.

“Миллий иқтисодиётни “яшиллаштириш” табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспорти миқдорини ошириш, таркибини диверсификациялаш ва миллий компанияларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади” [11]. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларида “яшиллик” даражаси етарли эмаслиги сабабли турли чеклов чораларининг жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Хусусан, “2021 йил 14 июлда Европа комиссияси иқлим, энергетика, ердан фойдаланиш, транспорт ва солиқ сиёсатларини мувофиқлаштиришга қаратилган таклифлар тўпламини қабул қилди. Ушбу чора-тадбирлар 2030 йилгача иссиқхона газлари соф чиқиндиларини 1990 йил даражаларига нисбатан камида 55% га камайтиришни назарда тутади” [12]. Ушбу тўпламнинг муҳим элементларидан бири “углерод солиғи” (аслида — бошқа давлатлардан Европа Иттифоқи мамлакатларига импорт қилинадиган товарларга божхона божи) жорий этилиши ҳисобланади. Бу масалалар махсус экологик режа доирасида тартибга солинади. Ушбу механизм 2026 йилдан тўлиқ кучга киради ва бу Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигига салбий таъсир қилади.

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

Трансчегаравий солиқ жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон экспортчи тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча солиқ юкламаси кескин ошиши мумкин, бу экспорт қилинаётган товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигига катта таҳдид ҳисобланади. Трансчегаравий солиқ энг катта зарарни саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигига салбий таъсир қилиб, уларнинг экспорт имкониятларини чеклайди.

“Яшил” иқтисодиёт деганда экологияни ифлослантирувчи моддалар ҳамда иссиқхона газлари эмиссиясини тартибга солиш ва қисқартириш, иқлим ўзгаришини кузатиш ҳамда прогнозлаш, шунингдек, энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш технологияларини ҳамда қайта тикланадиган энергия манбалари учун технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тушунилади [13]. Қуйидаги 1-жадвалда Ўзбекистонда 2021–2025-йилларда экологик йўналишга эга кичик бизнес лойиҳалари сони ва уларнинг улуши келтирилган:

1-жадвал. 2021–2025-йилларда экологик йўналишдаги кичик бизнес лойиҳалари (Ўзбекистон Республикаси бўйича) [14].

Йил	Экологик йўналишдаги кичик бизнес лойиҳалари сони	Кичик бизнес умумий лойиҳаларидаги улуши (%)
2021	1 125	3,2%
2022	1 745	4,8%

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

Йил	Экологик йўналишдаги кичик бизнес лойиҳалари сони	Кичик бизнес умумий лойиҳаларидаги улуши (%)
2023	2 318	6,5%
2024	3 460	9,3%
2025	4 234	11,2%

Кўриниб турибдики, экологик лойиҳаларнинг сони ва улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ҳолат давлат сиёсатида яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича эътибор кучайгани ва кичик бизнеснинг бу жараёнда фаол иштирок этаётганини кўрсатади. ОЕСД ҳисоботида эса Европа давлатларида кичик бизнеснинг экологик тоза технологияларни татбиқ этишдаги улуши 40–45 фоизни ташкил этгани қайд этилган [15]. Бу эса барқарор ривожланишда кичик ва ўрта бизнеснинг реал ҳисса қўшаётганини кўрсатади.

Республикамиз олимларидан Жобборов А.Е. Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнесни “яшил технологиялар” асосида ривожлантириш нафақат иқтисодий самарадорликни, балки ижтимоий барқарорликни ҳам таъминлашини илмий жиҳатдан асослайди. Тадқиқотларга кўра, кичик бизнеснинг энергия тежамкор технологияларни жорий этиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари 12–15 фоизга қисқаришини кўрсатади [16].

Экологик йўналишда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлар ажратишдир. Қуйидаги 2-жадвалда экологик лойиҳалар

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

учун кичик бизнес субъектларига ажратилган давлат кредитлари ҳажми кўрсатилган.

2-жадвал. 2021–2025-йилларда экологик лойиҳалар учун ажратилган имтиёзли кредитлар [17].

Йил	Ажратилган кредитлар ҳажми (млрд сўм)	Ўсиш суръати (%)
2021	180	—
2022	295	+63,8%
2023	470	+59,3%
2024	720	+53,2%
2025	912	+58,2%

Кредит ҳажмининг ўсиб бораётгани ҳукуматнинг экологик инновацияларни молиявий қўллаб-қувватлашга интилаётганини тасдиқлайди. Айниқса, қайта тикланувчи энергия, чиқиндиларни қайта ишлаш, биоорганик ўғит ишлаб чиқариш каби йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорлар устуворликка эга. Ўзбекистон 2030-йилга қадар иссиқхона газлари чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш бўйича белгиланган мақсадлари доирасида шунга ўхшаш молиявий механизмларни яратиши мумкин. Бундай жамғармалар яшил технологиялар йўналишида маҳаллий илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлашга, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга хизмат қилади.

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL

Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

Жаҳон тажрибаси, хусусан, Германия ва Жанубий Корея мисолида, давлатнинг “яшил” кредитлаш дастурлари, субсидиялар ва солиқ имтиёзлари орқали кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаши энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни камайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда сезиларли натижалар берган. Масалан, Кореяда 2010–2020-йилларда “Green Growth Strategy” дастури натижасида кичик ва ўрта бизнеслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда қайта тикланувчи энергия улуши икки баравар ошган, Германияда эса “Energiewende” сиёсати натижасида 2022-йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш 46 фоизга етган. Ушбу тажрибалар Ўзбекистон шароитида ҳам самарали қўлланиши мумкин.

Тадқиқотлар асосида яшил иқтисодиётга ўтишда тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокини таъминлаш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, тадбиркорлик субъектларига экологик лойиҳаларни амалга оширишда қулай молиявий шартлар яратиш зарур. Имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ва бошқа молиявий ёрдамлар кўламини кенгайтириш, айниқса, экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган тадбиркорлар учун қўшимча имкониятлар яратади.

Иккинчидан, тадбиркорларга экологик таълим бериш, уларга экологик бизнесни ташкил этишнинг амалий жиҳатларини ўргатиш учун махсус курслар ва тренинглар ташкил этилиши лозим.

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

Учинчидан, ҳудудий фарқларни ҳисобга олиб, ҳар бир вилоят ва туман учун алоҳида экологик тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиши керак.

Тўртинчидан, экологик технологияларни кичик бизнес субъектларига татбиқ этиш учун зарур инфратузилма яратиш керак.

Бешинчидан, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун уларни бирлаштирувчи механизмлар ишлаб чиқиш зарур.

Олтинчидан, тадбиркорлик субъектлари экологик инновацияларни амалга оширишда баъзи бюрократик тўсиқларга дуч келмоқда. Бу ҳолатни бартараф этиш учун экологик технологияларни жорий этиш жараёнидаги ҳуқуқий ва норматив-ҳуқуқий тўсиқларни камайтириш, давлат органлари томонидан улар учун қулай ва аниқ йўриқномалар ишлаб чиқилиши керак.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда экологик масалалар кўпроқ ёритилиши керак. Кичик бизнеснинг яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш учун бу стратегияда аниқ кўрсатмалар ва масъулиятларни белгилаш зарур.

ХУЛОСА. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тадбиркорлик субъектлари экологик йўналишдаги лойиҳаларда фаол иштирок этишлари учун давлат томонидан кўрсатилган ёрдам ва имтиёзлар самарали ишламоқда. Бироқ мазкур соҳадаги ривожланишни янада жадаллаштириш учун кўпроқ мажмуали ёндашув, молиявий ва технологик қўллаб-қувватлаш зарур. Шунингдек, ҳудудий ва секторал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда,

SCIENCE AND SOCIETY-
FAN VA JAMIYAT- НАУКА И ОБЩЕСТВО
ILMIY JURNAL



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорлик ва экологик инновацияларни амалга ошириш бўйича аниқ стратегиялар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу таклифлар амалга оширилса, Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш жараёни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги янги имкониятларни яратиб, экологик барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 26.12.2025-йил.

2. Schumpeter, J. A. (1934). The theory of economic development. Cambridge, MA: Harvard University Press.

3. Hayek, F. A. (1945). The use of knowledge in society. American Economic Review, 35(4), 519–530.

4. Шалаев, И.А. Финансовая поддержка малого предпринимательства как условие обеспечения экономической безопасности Орловской области / И.А. Шалаев, А.В. Серегин, Е.А. Скоробогатова // Символ науки. — 2016. — № 6–1. — https://cyberleninka.ru

5. Global Entrepreneurship Index 2023. // https://thegedi.org/global-entrepreneurship-and-development-index/

6. World Bank (2022). Doing Business 2022. Washington DC: World Bank Group.



Issue - 10(2026) / ISSN 2992-913X Available at www.uznauka.uz

7. Ansoff, H. I. Milestones in Management / H. Igor Ansoff. — Switzerland: Schaeffer Poeschel, 1994. — 250 p.

8. Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

9. Lee, N. and Greenley, G.E. The theory-practice divide: thoughts from the Editors and Senior Advisory Board of EJM / N. Lee, G.E. Greenley // European Journal of Marketing. — 2010. — Vol. 44. — No. 1/2. — P. 5–20.

10. Қодиров, Ф. (2022). Барқарор ривожланиш стратегиясида хусусий тадбиркорлик субъектларининг экологик йўналишда ривожланиши. Тошкент: Ўзбекистон миллий университети.

11. Асқарова М.Т., Жамолов Ж.Ж. Яшил иқтисодиёт. (Дарслик). — Т.: “Инновацион ривожланиш матбуот-матбаа уйи”, 2022. — 267 б.

12. https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/ip_21_3541

13. Хакимова Н.А. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўналишлари ва устуворлик хусусиятлари. Иқтисодиётда инновациялар журнали. 2019. 1-жилд, 1-сон, 54–60-б.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлигининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари.

15. International Energy Agency (IEA). Renewable Energy Market Update — Outlook for 2024 and 2025. — Paris: IEA, 2024. — 102 p.

16. Жобборов А.Е. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтишда кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни ва имкониятлари. “Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт” журнали. 2025 й. № 6. Б. 333–338.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлигининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари.